



Президентимизнинг "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси sanoatini rivojlantirishning ustuvor йўналишлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарорларига мувофиқ "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан мамлакатда электр энергия ишлаб чиқариш ва узатиш тизimini модернизация қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.



Хўжабод туманида мева-сабзавот етиштириш ҳажми юқори даражада. Корхона раҳбарияти фермерлар билан 50 миллион сўмлик маҳсулот олиш бўйича шартнома тузган бўлиб, аввалдан бунак йўналтирилди. Советкичнинг ишга туширилиши кундаёқ фермерлар шартнома шартларига амал қилишиб, картошка, пилёз, сабзи, шолғом, турп каби маҳсулотларни келтириб беришди.



"Қишлоқхўжалиқимё" Сирдарё вилояти бирлашмасининг минерал ўғитлар захираларини яратиш, "Агрохимкомплекс" МЧЖларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фермер хўжалиқларига тизимли хизмат кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари ҳар жиҳатдан ибратлидир.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Одам савдосига қарши курашиш бўйича Бухоро вилояти идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан вилоятда амалга оширилган ишлар, истиқболдаги вазифалар муҳофизат қилинди.

► Андижон давлат университетида янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Андижон давлат университети тарих ва ижтимоий фанлар, педагогика факультетлари талабалари энди янги бинодаги кенг ҳамда шина аудиториаларда ўқини давом эттиради.

► Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ташаббуси билан Хоразм вилоятида адабиёт кунлари ўтказилди. Ушбу нафосат байрами мумтоз адабиётимизнинг ёрқин вақили Мухаммадрисов Огаҳий таваллудига муносабати билан ташкил этилган адабий-бадиий тадбирларга улаиб кетди.

► Мамлакатимизнинг барча вилоятлардан 14 жамоа касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Энг яхши инновацион гош" республика танловига ўз лойиҳаларини тақдим этди. Тадбир ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Британия Кенгаши томонидан ташкил қилинди.

## Наманган Вилояти

# Мўл ҳосилга бугундан замин қўйилади

Айни кунларда поплик мириш-корлар келгуси йил ҳосилига пухта тародуд кўришмоқда. Қиш фаслини ҳам иш фасли билишиб, техника таъмирига, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, шўр ювиш тадбирларини ўтказишга, маҳаллий ўғит жамғаришга алоҳида эътибор қаратишган.



— Туманимиз деҳқонлари 29000 гектардан зиёд ерда деҳқончилик қилишади, — дейди Поп тумани ҳокими Баҳодир Раҳмонов. — Пахтакорларимиз 14200 гектардан зиёд майдонда гузанинг "С-6524" ҳамда "Андижон-35" навларини парваришлаб, 32500 тонна пахта ҳосили етиштиришди. Юксак пахта хирмонига "Хамровали Омонов", "Зухриддин М.Х.З", "Нигора-Азиз", "Сиддикжон" каби фермер хўжалиқлари муносиб ҳисса қўшишди. Ушбу фермер хўжалиқларида ҳосилдорлик 45-48 центнердан ошди. Етиштирилган пахта ҳосилининг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Туман галлакорлари 10500 гектардан зиёд галла майдонидан 47800 тоннадан ортиқ ҳосил олишди. Ҳосилдорлик ўртача 47 центнерга етди. Режадан ортан салкам 20 000 тонна галла фермер хўжалиқ аъзоларининг моддий манфаатдорлигини янада оширишга хизмат қилди.

— "Иш қўрилиш сўз бўлса, маشاқатнинг оз бўлар" деган мақол бизга айрилмаган, — дейди Поп тумани Машина трактор парк акцидорлик жамияти раҳбари Қаҳрамон Курбанов. — Шу кунлардаги асосий вазифамиз шуддорлаш, текислаш, умуман, қишлоқ хўжалиқи экинларини етиштиришда фойдаланадиган барча техникаларни мавсумга тайёрлашдир. Айни кунларда "Фурумсарой" ва "Навбахор" марказий устaxonаларида мавжуд техника воситаларини мавсумга пухта ҳозирлаш ишлари қизгин давом эттирилди. Таъмирлаш ишларига 300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар жалб этилган бўлиб, улар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу борада тоқар Аҳаджон Бадалов, пайвандчи Бекзод Элмирзаев, ишчилар Икромжон Каримов, Фурқатжон Ҳасанов ва бошқалар алоҳида хизмат кўрсатишмоқда.

— Узимга бириктирилган тракторни йил давомида унумли ва сифатли ишлатишга ҳаракат қиламан, — дейди механизатор Узокбой Умрзоқов. — Бугунги тадбир техникамизнинг мавсумда самарали ишлашида омил бўлади. Шу боис, таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратяпмиз.

Тумандаги "Поп-Яккатут", "Найман", "Навбахор" ҳамда "Наврўз" муқобил машина трактор парк худудидида фермер хўжалиқларида шўр ювиш ишлари қизгин давом этмоқда. "Норин-Наманган" ирригация тизими бошқармаси Поп тумани бўлими бошлиғи Йўлдошали Юнусалиев билан "Умид-Ўқубжон", "Исоқжон-Умринисо", "Боймирза-Ойбек", "Пиявой-Х" каби бир қатор фермер хўжалиқлари далаларида бўлиб, шўр ювиш ишлари билан яқиндан танишдик.

— Шўр ювиш ишларини бу йил ҳар йилгидан эртароқ бошладик, — дейди Й.Юнусалиев. — Чунки жониворларнинг мавсумда самарали ишлашида омил бўлади. Шу боис, таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратяпмиз.

**СУРАТДА:** "Норин-Наманган" ирригация тизими бошқармаси Поп тумани бўлими бошлиғи Йўлдошали Юнусалиев, "Попдавсувмаҳсусудрат" ДУК бошлиғи вазифасини бажарувчи Одилжон Бўриев ҳамда (ўртада) экскаваторчи Фарход Сулаймонов.

Аҳмад ҲАМДАМ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Янги йил байрами муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба дам олиш кунлари мос равишда 2012 йил 31 декабрь душанба ва 2013 йил 2 январь чоршанба кунларига кўчирилсин;

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 декабрь.

## Навоий Вилояти

# ҚИЗИЛТЕПАНING ДАНАКСИЗ АНОРИ

Қизилтепада анорнинг янги тури яратилди. Эътиборли жиҳати, унинг данаги билинамади, мазаси оддий анорникидан фарқ қилади, пўстлоқи юмқа, энг муҳими, барвақт пишади, ҳосилини август ойининг охирида йиғиштириб олиш мумкин.

Бу мева Гардиён қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи тиниб-тинчимас боғбон Ибодулло Адизов ва талаба Алишер Сафаровнинг ҳамкорлиқдаги бир неча йиллик изланишлари самараси. Айни пайтда ушбу меванин ижобий жиҳатларини янада такомиллаштириш борасида синов ишлари давом эттирилмоқда.

Ибодулло ака нафақага чиққач, кўпдан бери ўйлаб юргани — анорнинг янги турини яратиш ҳаракатига тушди. Ҳовлисидagi анорзорнинг ичидан чиқмади. Кўлидан қайчи, белкуррак, кетмон тушмади. Ниҳоят, меҳнати самара берди. Янги турдаги анор унинг ҳовлисида яратилди.

— Бундай анорни етиштириш бошлаганимизга уч йил бўлди, — дейди Ибодулло Адизов. — Уни оммалаштиришга шошилмадик. Ҳалиям шошилаётганимиз йўқ. Сабаби, яратилган нав ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши керак. Ана шу уч йилда янги нав устида имкон қадар ишладик. Унинг тезпишарлиги, ширинлиги, истеъмол учун қулайлиги ҳеч қандай исбот талаб қилмайди. Аммо сақланиши бизни бироз ўйлантирди. Очиги, августда узилган бу мевани узғи билан янги йилга қадар сақлаш мумкин. Бу эса жуда қисқа фурсат. Шу боис, бу борадаги изланишни давом эттиряпмиз.

Уйлаймики, ушбу янгиликка олимлар, мутахассислар илмий ёндашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади, бу билан Ибодулло Адизов яратган анорнинг янги турини такомиллаштиришга ҳисса қўшишади.

Абдурашул САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

## 2013 йил – обод турмуш йили

# МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Фуқаролик жамияти – ҳуқуқий давлатнинг негизи, асосий заминидир. Фақат кенг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлган, шу жамият, шу юрт тараққиётига камарбаста бўлиш, оиласини, маҳалласини, Ватанини обод этиш истаги билан яшаётган инсонгина фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Маҳалла – фуқаролик жамиятининг фақат ўзини хос бўлган бошқарув институтидир. Халқимизнинг "Маҳалла — ҳам отанг, ҳам онанг" деган пурмаёни ибораси ҳар бир хонадон, элу юртининг ҳақиқий қиёфаси бўлган маҳалла ҳаётида ўз аксини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, кишиларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари, турмуши, муаммолари маҳаллада намоён бўлади. Албатта, юртимиздаги ҳар бир фуқаро ўзининг келажагини, энг аввало, маҳалласида кўради. Бир ишни бошлашдан олдин "маҳалла нима деркин" деган савол кўпчилигимизни ўйлантириши, керак бўлганда, худди шу саволнинг ўзи ёмон йўللardan қайтариб, яхшиликларга йўлдош бор гап. Шу маънода, маҳалла жамоатчилиги назоратининг — демократик тамойилларнинг амалга оширилишида муҳим вазифани бажаради.

Истиқлол йилларида ушбу маскан фуқаролик жамиятининг муҳим ва фаол бўғини сифатида ўзини тобора намоён этмоқда. Маҳалланинг ҳаётимиздаги, жамиятимиздаги тутган ўрни ортиб, ваколатлари кенгаймоқда. Бугунги кунда республикамиздаги ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга ўттиздан зиёд вазифа бажариб келинаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. Хусусан, унинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва

аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бирда суҳбатимиз шу мавзуда кечди. Шунда бир суҳбатдошимиз бошқа юртларда маҳалла деган тузилманинг ўзи йўқ, уларда бу жараён қандай кечар экан, деб қолди. Ҳақиқатан, маҳалла — халқимизнинг бой тарихий тажрибасини ўзида ифода этган ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли. Бу халқро миқёсда ҳам эътироф этилаётган. Зарур бўлса, ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш мумкин, деган хулосага келишмоқда. Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Оила институтини мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли" мавзудаги хал-

қаро илмий-амалий давра суҳбати иштирокчилари ҳам буни

**Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Янги ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шarti — бу аввало маҳаллани обод қилиш демократидир.**

**Ислом КАРИМОВ**

таъкидлашди. Жумладан, Нью-Йорк давлат университети профессори Парвиз Морвиж шундай дейди: "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўтмиши ҳар бир мамлакатда ўзига хос. Масалан, улар Америкада

плантация уюшмаларида, маҳаллий ассоциациялар тарзида намоён бўлган. АҚШнинг ҳар бир штатида бу ҳатто турли кўри-нишларга эга. Уларнинг баъзиларида ўзини ўзи бошқариш фаолияти қонуний мустаҳкамланган бўлса, бошқаларида бунинг учун муайян норматив пойдевор яратилмаган. Умуман олганда, айни пайтда бу каби институтларнинг асосий функцияси



Тулуза университети (Франция) профессори Мишель Салинаснинг фикрича, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда маҳалланинг ўрни бекиёс. Қўллаб-масалалар давлат кўмағида фуқароларнинг ўзлари — маҳалла аҳли томонидан ҳал этилмоқда. Францияда маҳалла каби моддий кўмакка муҳтож фуқаролар даромадларини ўрганадиган, танлайдиган, давлатга ёрдамга муҳтож оилаларни адолатли аниқлашда кўмаклашадиган ва манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий институт мавжуд эмас. Бу борада Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугун дунё эътироф этаётган, ўрганаётган, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбек модели"да аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бош тамойиллардан бири сифатида мустаҳкамланган.

(Давоми 2-саҳифада)

# МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

(Боши 1-саҳифада)

Маҳалла аниқ йўналишда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланмоқда. Буни жорий йилда амалга оширилган ишлар яққол исбот этади.

– Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида маҳаллаларда кам таъминланган, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича аҳоли ўртасида 3 мингдан зиёд давра сўхати, учрашув ва семинарлар ўтказилиб, уларда 260 мингдан ортиқ аҳолининг иштироки таъминланди, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Ташкилий-кадрлар бўлими бошлиги Учқун Махмудов. – Фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлимчалари томонидан 1874 та кам таъминланган оилаларга бир бошдан қорамол, 3 минг 300 дан ортиқ оилага 66 мингдан зиёд парранда олиб берилди. Ушбу мақсадларга 1 миллиард 185 миллион сўм маблағ сарфлангани Давлат дастури ижросини таъминлашда Фонднинг ўрни муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Маҳаллаларда «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги асосида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли тўғарақларнинг ташкил этилгани ёшлар, айниқса, қизларга хунар ўргатиш, уларни оилаларга тайёрлашга хизмат қилмоқда. Биргина «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ана шу тадбирлар ҳисобидан жорий йилда 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва «Баркамол авлод» болалар марказларида ташкил этилган фан, мусиқа ва санъат тўғарақларида, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда. Йил давомида мингта яқин умумтаълим мактаби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-хунар коллежидagi ўқув устаноналари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, хомашё маҳсулотлари билан таъминланди.

Шу билан бирга, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга joyлаштириш борасида уч томонлама шартномаларнинг йўлга қўйилишида маҳалланинг ижтимоий шериклик асо-

сида амалга ошираётган ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жойларда фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари, корхона ва ташкилотлар билан бу борада сўхат ва учрашувлар, бўш иш ўринлари ярмаркалари уюштирилиб, ёшлар ишга joyлаштирилмоқда, уларга аниқ мақсадли бизнес лойиҳалари учун банк кредитлари берилмоқда.

Фонд томонидан амалга оширилган ишларда ижтимоий шериклик қўлима тобора кенгайиб бормоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимоятга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай ишлар натижасида қўллаб-қувватлаш моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Қўллаб-қувватлаш ёш оромгоҳларида ҳордиқ олиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Бундан ташқари, оилаларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда ҳомиёллар томонидан қорамол ва паррандалар тарқатилди. Ижтимоий шериклик асосида йўлга қўйилган ана шундай ишлар самарасидида қўмакка муҳтож оилаларнинг шароити яхшиланди, ҳаёти тўқис ва фаровон бўлишига эришилмоқда.

Мустахкам айтганда, маҳаллаларда ижтимоий шериклик муносабатларининг ривожланиб бораётгани аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Халқимизга хос меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва хайр-саховат фазилатлари айнан маҳалла тизими фаолиятида тўла намоён бўлмоқда. Бу жараёнда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллаларда миллий кадриятларимизни тарғиб қилиш, айнан маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир этадиган турли иклатларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини тушунтириш мақсадида ёшлар ўртасида олиб бораётган тарғибот ишларида шу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишларнинг мунтазам олиб борилишини таъминлаш мақсадида Фонд томонидан маҳаллаларда Маънавият

тарғибот комиссияси, жамоатчилик асосида 7 мингдан зиёд тарғибот гуруҳи, 6 мингдан ортиқ маҳаллада «Маънавият хоналари» ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг меҳнатини, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда барқарорлик ва тотувлиқни таъминлашдаги ҳиссасини муносиб рағбатлантиришда муҳим омили бўлмоқда.

Бугунги кунда фуқаролик институтлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмак-қўллаш бўлишига эришилмоқда.

– Бугун аҳоли ўз муаммолари ечимини топишда маҳаллани энг яқин қўмакчи, деб билимоқда, – дейди Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умар Жўлбулов. – Худудимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ривожланиб бормоқда. Ишбилармонларнинг сая-ҳаракати билан қўллаб-янгиморатлар, маиший объектлар бунёд этилмоқда, аҳолининг турмуш маданияти юксалмоқда. Юртимизда маҳалла «Оилавий бизнес маркази»га айлантириш борасида катор ишлар амалга ошириляптир. Бу жараён бизнинг қишлоқларимизда ҳам ўз аксини кўрсатмоқда.

Ҳозир қишлоғимизда 5 та тикувчилик цехи, 5 та гўзаллик салони, 3 та фотосалон, 22 та телерадио устaxonа, сартароҳона, оқрихона аҳоли иктиёрида. Энг муҳими, кейинги йилларда томорқачилик ривожланди. Қишлоғимиз хонадонларида 20-30, баъзиларида 50 сотихчага томорқа бор. Албатта, лалми майдонларда дехқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Икки-уч хонадон бирлашиб, қудуқлар қазиб, экинни сўғоришда фойда-

ланмоқда. Мана шундай ишлар натижаси ўлароқ, полизчилик равнақ топди. Плёнка остига бодринг, тарвуз экиш борасида катта тажриба тўпланди. Сирасини айтганда, ҳар кун бир янгиликнинг гувоҳи бўляпмиз. Йиғинлар эса бу жараёнда барчанинг фаол иштироки этиши учун имкониятларни ишга солмақдамиз.

– Президентимиз 2013 йилни Обод турмуш йили деб эълон қиларкан, ушбу эзгу гоғни рўйбга чиқаришда маҳалланинг ўрни ва нуфузини янада кучайтириши таъкидлагани бизни гоғат қувонтирди, – дейди Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Дехқонобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рамат Жозиров. – Бу мамлакатимизда маҳалла ва оила институтларини ривожлантириш борасида амалга ошириляётган ишларнинг мантйқий давоми бўлади.

Маҳалла институтини янада ривожлантиришга қаратилган эътибор унинг ҳаётимиздаги ўрни, жамиятдаги мавқеи янада оширишдан далолатдир.

Президентимиз Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда келгуси йилда амалга ошириляжак устувор вазибаларга тўхталар экан, **Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолининг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий тақлифлар ишлаб чиқиш мақсада мувофиқдир**, дея алоҳида таъкидлади.

– Сирасини айтганда, зиммаимизда залворли ва ўта масъулятли вазифалар турибди, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Ташкилий-кадрлар бўлими бошлиги Учқун Махмудов. – Мана шу вазифаларни амалга оширишда «Обод турмуш йили» биз учун улкан имкониятлар эшигини очиб, шубҳасиз, Зеро, мамлакат ободлиги ва фаровонлиги маҳалладан бошланади.

Анвар КУЛМУРОВОД

## «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан тизимда йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда таъкидлаб ўтилганидек, Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан мамлакатда электр энергия ишлаб чиқариш ва узатиш тизимини модернизация қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.



Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида 7 та объект бўйича қурилиш ишлари тугалланиб фойдаланишга топширилди.

Жумладан, «220 кв. «Куйи-Мозор» насос станцияси реконструкцияси» ишга туширилиши Бухоро вилоятидаги истеъмолчилар – қишлоқ хўжалиги насос станциялари ҳамда Бухоро шаҳри ва вилояти аҳолисини сув билан таъминлашни яхшилади.

«Фозилман» насос станцияси – «Лочин» насос станцияси 220 кв. ҳаво линияси қурилиши» Фарғона худудини Қирғизистон Республикаси энергия тизимидан алоҳида ва ишончли электр энергияси билан таъминлаш имконини берди.

«Кизил – Ровот НС – Юлдуз НС 220 кв. ҳаво линияси қурилиши» Андижон ва Фарғона вилоятларида электр билан таъминлаш имкониятларини оширди.

### Қазақарё Вилояти

**Ёшлар – оғзулар олами. Табиийки, уларнинг амалга ошиши учун ҳаракат, тинимсиз изланиш, мустаҳкам ирода талаб этилади. Мустақил ҳаётнинг илк қадами касб танлашдан бошланади, десак мувофиқ бўлмайди. Касбни эгаллаш учун эса хоҳишу қизиқишдан ташқари, мустаҳкам пойдевор – билим ҳам керак бўлади. Энг муҳими, ана шу билим ва кўникмани амалиётга жорий этиш, уйғунлаштириш лозим. Ана шундангина малакали кадр сифатида соҳага дадил кириб бориш, ўзини намоён этиш мумкин.**

## ЭРТАМИЗ БУГУНДАН-ДА ЁРУФ, ФАРОВОН

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислох этиш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилди. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий қилинди. Республикаимиз бўйича 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей бунёд этилди. Уларда ўқувчилар умумтаълим фанларини ўзлаштириш билан бирга, касб-хунар эгаллаш имкониятига ҳам эга бўлмоқдалар.

Бугун ҳақли равишда фахрлана оламизки, Ўзбекистондаги таълим тизими дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда. Ушбу ўзига хос ўқув тизимида фарзандларимиз сифатли таълим олмақда, замонавий касб-хунарларни ўзлаштирмоқда. Энг муҳими, улар ўзларининг мустақил фикрига эга, эртанги кунга ишонч билан интилади.

Мамлакатимиз саноатида амалга ошириляётган ислохотлар ўз натижаларини бераётир. Соҳанинг барча тармоқларида ўнгилашлар кўзга ташланмоқда. Маълумки, тараққиёт омилидан бири илм-фан ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётини юксалтирадиган, замон талабларига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишида энг асосий қурол бу фан ривожини, техника такомиллашувиридир. Шу боис, соҳа учун кадрлар тайёрлашга, илмий изланишлар, тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилляпти. Айниқса, таълим ва амалиётнинг уйғунлашуви соҳа ривожидида муҳим аҳамият касб этмоқда. «Коллеж-корхона» тизими ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу, ўз навбатида, битирувчиларни иш билан таъминлашда ҳам қўл келмоқда.

Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янги ҳаёт шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмақда. Улар сафиди бизнинг коллежимиз ўқувчилари ҳам бор.

Коллежимизда илм ва фани амалиётга пайваста этиш, ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётда кенг қўллашларига шароит яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асариди илгари сурилган фикр ва гоғлар, мақсад ва вазифалар коллежимизда маънавий-маърифий соҳадаги ишларни тубдан ўзгартириш ва янги босқичга кўтаришда муҳим илмий-назарий асос, амалий қўллашга бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур асарни атрафлича ўрганиш мақсадида коллежимизда дарс соатлари ташкил этилди. Шунингдек, асарнинг мазмун-моҳиятига мос равишда фан хоналари жиҳозланди. Асардаги «Маънавиятни янгилаш», «Энг буюк жасорат», «Инсон қалбига йўл» мазмунларини ўқувчилар онгига янада чуқурроқ синдириш мақсадида театр, музей ва бошқа тарихий қадамлоларга саяхатлар уюштирилди.

Бугун ишларнинг билим ва савиясига, уларнинг интилишларига қараб эртанимиз бугундан-да ёруф ва фаровон бўлишига ишонимиз.

**Бахтиёр АШУРОВ,**  
Қарши саноат касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

### Қорақалпоғистон Республикаси

## ГУЛИСТОНДА ЯНГИ УЙЛАР

Кўнғирот туманидаги Кўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi «Гулистон» массивида намунавий лойиҳалар асосида яна 11 та замонавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Кўнғирот туманида ҳам кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари олиб борилмақда. 2009 йилда 20 та, 2010 йилда 20 та, ўтган йили 10 та уй-жойлар фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда 20 та уй-жойларнинг қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмақда. Қурилиш ишларини тумандаги «Қурилиш тов кони» ва Нукус шаҳридаги «Хаванд Мадмина» масъуляти чекланган жамиятларининг қурувчилари


амалга ошириляпти.

– Қурилиш ишлари жорий йилнинг июнь ойида бошланди, – дейди «Хаванд Мадмина» масъуляти чекланган жамияти раиси Қурал Бубаёев. – Ҳар бири 4 хонали 10 та уй-жойнинг қурилиши бўйича шартнома тўзилиб, ҳозирда 4 та уй-жойларнинг қурилиши битказилди. Қурилиш ишларида 130 нафар қурувчилар жонбозлик кўрсатмоқда.

### Андижон Вилояти

## ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАРНИНГ КЎШИМЧА ТАРМОҚЛАРИ

**Хўжабод пахта тозалаш очик акциядорлик жамияти корхонасига борганимизда қувончли воқеага гувоҳ бўлдик. Бу ерда сизми 140 тонналик замонавий русумдаги советикч фойдаланишга топшириляётган экан. Корхона раҳбари Қобилжон Жалоловнинг айтишича, советикчининг ишга туширилиши замирида ишчи-хизматчиларнинг монфаати муҳасам. Қузда фермерлардан мевасабзавот маҳсулотларини арзон нархларда олиб келиб, ишчиларга қишлоқ ишчилик учун етказиб бериш одат тусига кирган. Советикчининг ишга туширилиши эса мевасабзавот таъминотининг барқарор бўлишига хизмат қилади.**



Қолмади.

Советикчига мутасадди этиб тайинланган Одилжон Жўраев ўз касбининг усталаридан бири. Қарийб 30 йиллик тажрибага эга. Шу боис, у қурувчилар, монтажчилар ва соловчилар билан ёнма-ён туриб қурилишнинг ақунлашишига ўз ҳиссасини қўшди. Ота-бола Равшанбек ва Раҳимиддин Мадраҳимовлар энг сўнгги босқичдаги нозик жараёнларни адо этишиб, компрессорни ишга туширишда камераларда ҳарорат минус томонга ўзгара бошлади.

Хўжабод туманида мевасабзавот этиштириш ҳажми оқори даражада. Корхона раҳбарияти фермерлар билан 50 миллион сўмлик маҳсулот олиш бўйича шартнома тўзган бўлиб, аввалдан бундай йўналтирилди. Советикчининг ишга туширилиши кундаёқ фер-

мерлар шартнома шартларига амал қилишиб, картошка, пиёз, сабзи, шолғом, турп каби маҳсулотларни келтириб беришди. Сифати масаласида гап йўқ. Энг муҳими бозордагидан анча арзон.

Олтинқул туманидаги «Андижон-3» пахта тозалаш очик акциядорлик жамияти корхонасида эса яқиндагина ишга туширилган советикч фермер ва дехқонларга ижарага берилди. Корхона ижара ҳақини сақланаятган маҳсулот кўринишида олади. Маълумки, пахта тозалаш корхоналарида 1400 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш имконияти бор. Қисқа вақт ичида советикчиларга 500 тонна янги маҳсулот жамғарилди. Маҳсулот келтириш эса давом эти-

моқда. Пахта тозалаш корхоналарида қасаначилик ва янги иш ўринларини яратиш масаласида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. «Чинобо», «Бўз», «Асака-2», «Сўфиқишлоқ», «Андижон-3» пахта тозалаш очик акциядорлик жамиятлари корхоналарида тикувчилик, тўқувчилик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу цехларда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти коллежларни битирган ёшлардир. Барча корхоналарда аррани таъмирлаб, қайта тиклаш цехлари қайтадан замонавий тарзда жиҳозланди. Натижада янги иш ўринлари яратилди ва арраларнинг ишлаш мuddати узайтирилмоқда.

Шу кунларда пахта тозалаш корхоналарига қарашли 20 та тайёрлов масканларида ипак курти боқикшга мўлжалланган биналар қурилишига тайёргарлик ишлари бораётир. Бунинг учун мустаҳкам озуқа базаси яратишга ҳам киришилмоқда. Тайёрлов масканларида ёндош даладарда Хитой, Вьетнам селекциясига мансуб серхошил барг берадиган тутзорлар ташкил этишга 5 гектардан ер ажратилди. Бу янгилик ортида ҳам юзлаб иш ўринлари яратилиши аён, албатта.

**Қобилжон АСКАРОВ,**  
«Qishloq hayoti» муҳбири.



# Қадрли Ватандошлар!

*Яқинлашиб келаётган 2013 йил —  
Обод турмуш йили барганизга  
муबारак бўлсин! Қўнғилларда неки  
эзгу ниётлар бўлса, баргаси янги  
йилда рўёбга чиқсин! Мустаҳкам  
соғлик, бахт-омад ҳар биримизни  
тарк этмасин!*

**«ЎЗВИНОСАНОВАТ-ХОЛДИНГ»**  
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



**XALQ BANKI**

**STANDARD  
& POOR'S**  
RATINGS SERVICES

**Халқаро рейтинг агентлиги  
2012 йил декабр ойда**

**Ўзбекистон Республикаси  
Давлат-тижорат Халқ банкининг**

**Халқаро кредит рейтингини**

**B+/B  
Барқарор**

**даражасида қайта тасдиқлади**

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ  
СУДАЛАРИ СУДЬЯЛАРИНИНГ МАЛАКА ҲАЙЪАТИ  
МАЛАКАЛИ ХУҚУҚШУНОСЛАРИНИ СУДЬЯЛИК  
ЛАВОЗИМИГА ПОМЗОДАЛАР ЗАХИРСИГА  
ТАКАИФ ҚИЛАДИ**

1. Уттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти туман (шаҳар) судларининг судьялиги лавозимига.

2. Уттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида судья бўлиб ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти туман (шаҳар) судларининг раислиги лавозимига.

3. Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг судьялиги лавозимига.

Захирага турши ётагини билдирган маалакали хуқуқшунослар, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари судьялари маалака Ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари талаб этилади:

1. Сурвонма.
2. Таржимаи ҳол.
3. Охири иш жойидан тавсифнома.
4. Диплом нусхаси (нотариал тасдиқланган ҳолда).
5. Паспорт нусхаси.
6. Меҳнат дафтарчаси нусхаси (иш жойидан тасдиқланган ҳолда).
7. 2 дона фотосурат (3x4 ҳажмда).

Қўшимча маълумотларни Гулистон шаҳри А.Навойи шоҳ кўчаси 47-уй, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг биносига таширф буюриб ёки 8-367-225-38-13 ёки 8-367-225-37-30 рақамларига кўнгирак қилиб билиб олишингиз мумкин.

**Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари судьялари маалака Ҳайъати**

ООО "MEGA-WOOD" (ЙНН 302046154), заргистированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Улгезинского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-11 кв-л, д. 49 кв-ра 25, лицензируется протокол собрания № 1 от 23.12.2012 г.). Претензия принимается в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 346-04-27.

ООО "PINES DREAM" (ЙНН 302328198), заргистированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-10, д. 16, лицензируется протокол собрания № 1 от 24.12.2012 г.). Претензия принимается в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 191-74-33.

ООО "POLONUM GLOBAL" (ЙНН 207190492), заргистированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Миробаского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Амира Темура Шох д. 31, лицензируется протокол собрания № 1 от 12.12.2012 г.). Претензия принимается в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 515-59-67.

Ташкент ш. Хамза т. ТСРҲИД томонидан (09.12.2010 й., реестр № 003091-07) рўйхатга олинган, Хамза т. Фарғона йўли кўч. 10 В-й 61-қонадон манзилда жойлашган "SARNET TR LOGISTICS" МЧК (СТПР 301751703) тугатилди (ўзини ўзи тугатиш ўрниндаги 21.12.2012 й.даги 1-сонли ҳарор). Кредиторлар ва дебиторлар далолатлари 2 ой муддатда 295-83-83 тел. орқали қабул қилинди.

Ташкент ш. Учтепа т. ТСРҲИД (реестр № 003845-01, 06.07.2010 й.) давлат рўйхатидан ўтган "OMINA-MUSLIMA SERVICES" МЧК (СТПР 207088184), 21.12.2012 й.даги ташкилотнинг 4-сонли ҳарорига асосан тугатилди. Давомлар эълон чол этилган кўндан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинди.

Раёновча Муқддас Кўчкорона номига берилган (Т-1 № 7041462) сонли меҳнат дафтарчаси камида 1991 й.да Самарқанд Давлат Медицина институти томонидан берилган УВ-1 № 048432 сонли диплом йўқлигини сабабли бекор қилинди.

ООО "AVTO-STIMUL" (ЙНН 301908473), заргистированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улгезинского р-на (№ 007358-04 от 18.05.2012 г.), расположенное по адресу: ул. Шаркитоб д. 44А, лицензируется протокол собрания учредителей № 5 от 21.12.2012 г.). Претензия принимается в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 347-85-98.

Ташкент ш. Миробод т. хокимияти ҳуқуқидан ТСРҲИ томонидан (28.12.2010 й., реестр № 03-000675) рўйхатдан ўтган "ALZODA" МЧК (СТПР 200518915) Устав ҳаммақсади 559 975 699 сўдан 542 492 283 сўгача камадирликлани маълуми қилди. Маълум: Миробод т. Сайёб кўч. 30-йў. Тел.: 254-22-33.

ООО "DAVRON FAZL MEBEL" (ЙНН 301781772), заргистированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Миробаского р-на г. Ташкента (реестр № 004963-03 от 10.01.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент кичик Беш йўл кўч. д. 313, лицензируется (Протокол № 20 от 24.12.2012 г.). Претензия принимается в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

**CHILONZOR ULGURJI SAVDO**  
реализует со склада в ташкенте Товар сертифицирован

- Цемент в мешках, шифер, шлакоблоки
- Аглицест, гипс строительный, формовочный
- Мел, известь негашеная в мешках
- Битум строительный, руберонд (Пал, Ташкент)
- Сухие строительные смеси
- Гипсокартон, мин.плита, мин.вата, стекловата
- Шлаквизка масляная, клеевая
- Песок, щебень, клинцев, шагал
- Лопаты, лопати, топоры, кувалды, молотки
- Ломы, косы, серпы, кирки, топоры, гвоздодеры
- Шпатели, мастерки, ковши
- Макловицы, кисти, валики в широком ассортименте
- Марля, бязь, нетканное полотно, рукавицы, перчатки
- Брус, рейки, наличники, плинтуса, фанера, ДВП, ДСП
- Карбид кальция, линолеум, керамика
- Металлическая продукция (болты, гайки, шайбы)
- Гвозди в ассортименте, саморезы
- Клей ПВА, столярный, КМЦ, клей плиточный
- Электроды (MP-3, АНО-4)
- Газосварочное оборудование
- Стекло, жидкое стекло, стекло оконное
- Лакокрасочная продукция (эмали, краски, лаки, пигменты, растворители, разбавители)
- Металлопродукт: арматура d10-32, круг d12-16, уголок 35-75, швеллер от 6 до 24, квадрат от 12 до 20
- Сетка рабица, проволока колючая, вязальная
- Профиль монтажный, листы оцинкованные
- Моющие средства и сан.порошки

**А также более 1000 наименований товара** Ф/о - любая

Чиланзарский филиал: (8371)276-63-00, 276-67-00 Юнус-Абдуловский филиал: (8371)228-43-98, 228-50-81 [www.chus.uz](http://www.chus.uz), [www.chsu.uz](http://www.chsu.uz), e-mail: [chsu2004@mail.ru](mailto:chsu2004@mail.ru)

**МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Ташкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Шины различных моделей
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальтобетон • Подъемники БЛ-89
- "Беларусь" (MTZ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2



максусот сертифициланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: [toglar\\_uz@mail.ru](mailto:toglar_uz@mail.ru) [www.toglar.uz](http://www.toglar.uz)

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Кабулхона — 236-58-83, Котибнит — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иجتимой-саноий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Мабъанит ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.  
**ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**  
 Коракалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 978-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Бош муҳаррир:**  
Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси Агротехнология комплекси тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирилик ва идоралар.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Зафар РҲЗИЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРОВ, Абдиқабил ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Султан САЙДУЛЛИЕВ, Ойнолула ЮНУСОВ, Ашвар КУЛТУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероод ҲУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2013-7023

**Реклама ва эълонлар**  
236-58-83, 233-28-04.  
Реклама ва эълонлар матни учун буортмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:**  
Ш.ЙҲЛДОШЕВ  
Муаххир:  
О.ОЧИЛОВ  
Дизайнер:  
М.БОСОМУҲАММЕДОВА